

Алишер Навоий “Хамса”сининг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр” деб аталиб, 1484 йилда ёзиб тугалланган. Асарнинг бош қахрамони Баҳром бўлиб, тарихий шахс сифатида Эроннинг сосоний ҳукмдори Варахран V (420 – 438 йилларда подшолик қилган) билан боғлиқ. Бу ҳукмдор қулон (ёввойи қийик)ни овлашга ниҳоятда ўч бўлганлиги учун халқ орасида Баҳром Гўр (қулон) лақаби билан шухрат топган. Шарқ мамлакатларида Марс (Миррих) юлдузи Баҳром деб аталиб, жанг-у жадаллар хомийси сифатида келади.

Баҳром тимсоли дастлаб форсий адабиётда Абулқосим Фирдавсий “Шохнома”сида тасвирланган. “Шохнома”да Баҳром Гўр ҳақидаги воқеа достоннинг фақат бир фаслини ташкил этиб, унда Баҳромнинг тугилиши, тахтга чиқиши, мамлакатни идора қилиш тадбирлари, ов вақтида ўз қанизаги Озода билан тўқнашувига доир воқеалар тасвирланган.

“Шохнома”даги Баҳром Гўр ва унинг қанизаги орасидаги бу тўқнашув лавҳаси Низомий томонидан қайта ишланиб, машҳур “Хафт пайкар” достони вужудга келади. Низомий Баҳромнинг қанизак билан боғлиқ хикоясини қоллиповчи хикоя қилиб олиб, унга 7 хикоят қиритади.

Низомий асаридан кейин 200 йил ўтгач, Хусрав Дехлавий унга жавоб тарзида “Хашт беҳишт” достонини яратиб, 7 хикоятни ҳинд эпосидан олади.

Туркий тилда биринчи бўлиб бу мавзунини Алишер Навоий қаламга олади ва ўз достонини “Сабъаи сайёр” деб атайди. “Сабъаи сайёр” достони 38 боб, 5009 байтдан иборат бўлиб, шундан 11 бобни муқаддима ташкил қилади.

Достон муқаддимаси анъанавий ҳамд билан бошланади. Навоий Аллохнинг оламнинг яратувчиси сифатида мадҳ этар экан, достоннинг мазмунини тақозоси билан биринчи бобдаёқ етти рақамига алоҳида эътиборни қаратиб, *илтизом* (бир сўзни бирор парчанинг

барча мисра ёки байтларида кўллаб, шу сўзнинг муҳимлигини таъкидлаш) бадий санъати воситасида фалакнинг етти кават эканлиги, етти гумбаздан ташкил топгани, ер юзи етти иклимга бўлингани, етти кўк, етти юлдуз қабилар хақида фикр юритади. Шунингдек, Баҳром ва Дилором сўзларини асл ва мажозий маъноларда кўллаб, сайёралар олами, дунёнинг яратилиши хақида ўз фалсафий қарашларини баён қилади, оламнинг яратилишини тасаввуфдаги ваҳдат ул- вужуд фалсафаси асосида баён қилади:

Ишк сенсен доғию ошиқсен,

Яна маъшуклукка лойиқсен.

Айни маъшуклукда жилваи зот,

Ўзини кўргали тилаб миръот.

Хуснунга хар дам ўзга сурат ўлуб,

Кўзгу такрори ҳам зарурат ўлуб.

Неча хусн ичра жилва зоҳир анга,

Кўзгулук айлабон мазохир анга...

Сенсену сендин ўзга худ нима йўк,

Гар кўрунса сен ўлгунг ул нима ўк.

Достоннинг 2-боби муножот бўлиб, бунда буюк шоирнинг яратувчига мурожаати, нажот умиди, тавба ва илтижолари ўз ифодасини топган:

Кодиро, ул заифу осиймен,

Ки бошимдин аёк маосиймен.

Навоий ташбех санъати воситасида ўзини тоат вақтида хаста чумолига, исён вақтида вахший шерга, нафсини бахайбат филга, кўнглини нимжон пашшага ўхшатади:

Тоат айларда мўри хаста барин,

Лек исён махалли шери арин.

Нимжон пашша кўнглум айла гумон,

Зўри нафсим нечукки пили дамон.

Шунингдек, муножотда яратилаётган асарнинг шухратини оламга ёйишни сўраб килинган илтижо ҳам мавжудлигини кўрамиз:

Шухратин олам ичра пайдо кил,

Олам ахлин аларга шайдо кил.

Навбатдаги боб Мухаммад (с.а.в.) мадхига багишланади. Пайгамбарнинг асли курайший, ери абтахи, мазхаби хошимий, манзили Ясриб эканлиги айтилгач, унинг нури “Лот” билан “Уззо”ни шикастлагани, исмининг харфлари ечилганда иккита “мим” харфининг этаклари осилиб, куфр эли мотамининг зулматига, дин элининг эса улугворлигига айланиши айтилади.

4-боб Меърож тунни таърифига багишланади. Бунда пайгамбаримиз хузурига элчи

(Жаброил) келиб, Хакнинг саломини етказганлиги ва ошик ўз махбубининг висолига эришмок ниятида эканлигини хабар килгани, пайгамбаримиз яратувчининг хузурига борганларида умматларининг гуноhini кечиришни илтимос килганлари ва барча истаклари бирма-бир кабул килинганлиги хакида сўз боради.

5-боб сўз таърифида. Навоий бу бобда сўзга юксак бахо берар экан, шундай ёзади:

Сўз келиб аввалу, жахон сўнгра,

Не жахон, кавн ила макон сўнгра...

Аллох, аллох, не сўздурур бу сўз

Мундин ортук яна бўлурму сўз

Жисм бўстонига шажар сўздур,

Рух ашжорига самар сўздур.

6-боб улуг салафлар Низомий ва Дехлавий мадхига багишланган. Шоир дастлаб бадий адабиётдаги икки адабий тур, яъни назм ва наср таърифига тўхталиб, уларни бир-бирига киёслайди ва назмнинг насрдан устунлигини исботлар экан, шеърий

асарларда чиройли, таъсирли ибора ва бадиий санъатларни кўплаб кўллаш ва инжунги ипга тергандек мисралар тизиш мумкин, наср эса сочиб юборилган жавохирдек гўзалликдан махрум деб ёзади. Шунингдек, назм шакллари орасида маснавийга алоҳида тўхталиб, уни “васиъ майдон” (кенг майдон) деб атайдилар:

Маснавийким, бурун дедим они,

Сўзда келди васиъ майдони.

Низомий хақида сўз юритар экан, у бу майдондан тўпни олиб чиқиб кетди, яъни гўйи ва чавгон ўйинида ютди: маснавий яратишда биринчи бўлди дейдилар:

Койили хуш каломи зебогўй

Ким, бу майдон элидин элитти гўй...

Ахли назм афсахул каломи ул,

“Хамса”нинг нозими Низомий ул.

Хусрав Дехлавийни Низомий бешлигига жавоб ёзган ижодкор сифатида таърифлар экан, уни “хинд сеҳргари, каро бало, офати Худо” каби ташбеҳлар билан мадҳ қилади. Шунингдек, Навоий бу икки ҳамсанависни шатранж ўйинидаги оқ оту (Низомий) қора филга (Дехлавий), ўзини оддий пиёдага нисбат беради:

Чекса шатранж ики саф оку каро,

Хас не қилгай, чу тушса арса аро.

Ўзни топқай бисот аро пайваст,

От ила пил аёғи остида паст.

Достоннинг 7-боби “ҳазрат шайхулислом мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий” мадҳига бағишланган. Навоий уни фазл конию илм дарёси деб атар экан, устозини араб тилидаги билимдонлиги жиҳатидан “Кофия” асарининг муаллифи Ибн Хожибга, тафсир илмида юзта Ибн Хожарга, фикх илмида Имоми Аъзамга ўхшатади. Жомийнинг бу соҳаларда яратган асарлари, девонлари ва достонларининг номларини келтиради.

8-боб салафларнинг нуқсонлари ҳақида бўлиб, шоир боб сарлавҳасида устозлар асарларига мулоҳаза билдираётгани учун узр сўрайди. Навоий бу бобда достон яратишдан олдин туш кўрганини, тушида 7 гумбаз, 7 гумбаз ичида 7 хил рангдаги мутасаддийни кўрганини, шу ерда 7 кун юриб, 7 афсона тинглаганини, бир мўйсафид унга аввалги достонлардаги кусурларни тузатишни сўраганини, уйқудан уйгонгач

муаббир (туш таъбирчиси) айтган далиллардан сўнг достон ёзишга киришганини айтади. Шундан сўнг ўзигача ёзилган Бахром хакидаги достонларни синчиклаб ўкиб чикканини таъкидлаб, устозларнинг хурматини ўз ўрнига кўйган холда уларга учта эътироз билдиради:

Бири буким йўк анда мояйи дард,

Килдилар ишк сўзидин ани фард.

Шоир фикрича, олдинги хамсанависларнинг биринчи айби дарду гамга етарлича ахамият бермасдан, уни ишкдан холи тасвирлаганликларидадир.

Яна бири буким анда баъзи иш,

Зохиран номуносабат тушмиш:

Буйла тухматки, айш учун Бахром

Ясади етти каср сургали ком.

Етти иклим шохидин ети киз,

Хар бири лутфу хусни гоятсиз...

Уйку комин олурга мастона,

Шўхларга буюрди афсона...

Анга худ гафлат ўлди даъбу сифат,

Уйкусига фасона не хожат?

Бахромнинг айши учун еттита каср қурилиши, етти маликанинг ўзи мастликдан гафлат холатига етган шохни ухлатиш учун афсоналар айтишлари асоссиз, дейди Навоий. Бунинг устига, агар афсона айтиш зарур бўлса, улардан бошқа киссахон йўқмиди деган саволни ҳам кўяди.

Салафларнинг учинчи камчиликлари дардсиз ва нодон кишининг саргузаштларини кўрсатишни мақсад қилиб олганликларида эди:

Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,

Анга килгайлар ўзларин вассоф.

Боб сўнгида Навоий гоят камтарлик билан ўзини салафларнинг факир шогирди деб атаб, мен гўё пашшадек бўлиб, фил ишини килмокчиман, осмон томига нарвон, куёшга шамдон ясамокчиман, ўргимчак ипидан каманд килиб, аждахони тутмокчиман дейди ва Алллохдан достон ёзишда мадад сўрайди.

9-боб – Султон Хусайн Бойкаро мадхи хакидадир. Бу бобда Навоий фалакдаги барча сайёраларга бирма-бир мурожаат килиб, уларни ўз хунарларидан бир оз тинмокка чакиради, шох мадхида калам сурмокчилигини айтади. Шохнинг икки томонлама хон авлоди эканлигини, улуг отаси Чингизхон, онаси Аланкуво эканлигини айтади. Навоий Хусайн Бойкарони чексиз саховат, чумолига хам мархаматли адолат эгаси дея таърифлаб, адолат бобида хатто Анушервон хам унинг олдида хижолат чекади деб ёзади:

Анда Нуширвон керак боккай,

Бошини эргатиб овуч коккай.

Чун килиб ёд ўз адолатидин,

Мутагаййир бўлуб хижолатидин.

10-боб – Билкиси Соний – Хадичабегим мадхига багишланган бўлиб, Навоий талмех санъати воситасида Хадичабегимни пайгамбарлар аёллари Сораи Узмо (Иброхим пайгамбарнинг рафикалари) ва Хадичаи Кубро (Мухаммад (с.а.в)нинг аёллари)га ўхшатади. Навоийнинг ёзишича, унинг гўзаллигидан сунбул ва наргис гуллари ташвишда, наргис уятда. Шунингдек, Навоий Хадичабегимнинг икки фарзанди Музаффар Мирзо ва Шох Гариб Мирзо (шоир Гарибий) хақида ҳам тўхталиб ўтиб, уларни икки саодатли юлдуз, уларнинг онасини ойу кўёшга ўхшатади:

Ойу кун йўк агарчи монандинг,

Икки саъд ахтар икки фарзандинг.

11-боб – Бахром тарихи хақидадир. Навоий Бахромни сосонийлар ҳукмдори Яздижурднинг ўгли бўлса-да, отасидан фаркли равишда эзгу ишлар билан шугулланди, отаси нимани бузган бўлса, у барчасин қайтадан тузди дейди:

Хар не ул бузди, бу борин тузди,

Бу борин тузди, хар не ул бузди.

Кимни ўлтурди ул килиб мажрух,

Бу кўйуб мархам, ўлди жисмига рух.

Навоий салафлар бўйича шох Баҳром тарихини кискача баён этиб, энди мен айтадиган кисса аввалгиларидан фарк қилади дейди ва Аллоҳга шукрона келтириб, Баҳром киссасини бошлайди.

Асосий воқеалар ўн иккинчи бобдан ибтидо топади. Етти иклим шохи бўлган Баҳром ов килиб юриб, рассом Монийни учратиб қолади. Моний Чинда тенги йўк бир гўзал Дилором хақида хабар бериб, унинг ўзи чизган суратини шохга такдим этади. Шох суратни кўриши билан Дилоромга ошиқ бўлиб қолади ва Чин мамлакатининг бир йиллик хирожини тўлаб, кизни саройга келтиради. Шундан кейин Баҳром кизга бутунлай махлиё бўлиб, давлат, мамлакат ишларини унутади. Фирдавсий “Шохнома”сида тасвирланганидек, овда кийик ходисаси юз беради. Дилором Баҳромнинг мерганлик махоратини “машкнинг натижаси”, – деб айтади. Шох мастликда кизнинг оёқ-қўлини ўз сочлари билан боғлаб, биёбонга ташлаб келишни буюради. Эртаси газаб ва мастлик тарқаб, афсусланганидан кейин, уни ўзи бориб излайди, лекин топа олмайди. Хижрон азобидан ўзини бутунлай йўкотади :

Жони икки бало аросинда,

Мўр икки аждахо аросинда.

Не ўлук эрди, не тирик сони,

Бўлмас эрди тирик демак они.

Шохнинг ахволи огирлаша боради. Навоий бу ўринда шох Бахромда энди чин маънода ошиклик сифатлари пайдо бўлаётганлигига эътибор каратади, зеро рухий изтироблар ва хижрон дарди ишкнинг ортишига сабаб бўлади. Изтиробдан ўзини бутунлай йўқотган Бахромнинг аввал фалакка, сўнг халки ва кўшинига мурожаат қилиб, нотавон жонини бу азоблардан кутқаришини сўраб чеккан фарёдлари достоннинг 16- ва 17-бобларида ниҳоятда таъсирли тарзда ифодаланганлигини кўраимиз:

Манга не қилдинг, эй сипехр, охир,

Йўқ эмиш сенда зарра меҳр, охир!

Меҳрсизлик ишим аро қилдинг,

Рўзгорим юзин каро қилдинг...

Найлайин бу жахонни жонсиз мен?

Бал жахон бирла жонни онсиз мен?

Жонни олгилки, тўймишам, биллох!

Кўнгул ўлмакка кўймишам биллох!..

Ёрлик кайда кетти, ёронлар?

Йўк мусулмонлик, эй мусулмонлар!

Ўлтуруб гаврима етинг охир!

Минг ўлумдин халос этинг охир!

Сарой ахли ташвишга тушадилар. 400 хаким ва табиб тўпланиб, икки йил давомида шохни даволайдилар. Шох бир оз ўзига келгандай бўлади. Маслахат билан етти иклим шохи етти каср курадилар. Бу етти каср етти шохнинг мамлакатига олиб борадиган йўл устида курилади. Рассом Моний унинг хар бирини алохида бир ранг билан безайди. Баҳром уларни томоша килар экан, касали тузала бошлайди. Етти рангдаги етти каср битгач, етти иклим шохининг етти кизи Баҳром билан никохланади. Етти касрнинг хар бири етти сайёрадан бирининг рангига мос бўлиб, хафтанинг шу сайёра хомий хисобланган кунига хос эди. Етти каср тасвирини ўқир эканмиз, Навоий хар бир касрдаги шох, малика ва мусофир хамда жихозлар тасвирини беришда рангларнинг турфа хил номланишларидан усталик билан фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз.

Шанба куни учун шу куннинг хомийси Зухал (Сатурн) сайёрасининг рангига мос кора каср – мушқфом касрда шох Баҳром хиндистонлик сайёхнинг Фаррух ва Ахий хакидаги хикоятини тинглайди. Унга кўра, Хинд мамлакати подшоси Жасратхоннинг ақлу хуснда

тенгсиз ўгли шахзода Фаррух тушида бир паривашни кўриб, севиб қолади. Ўша санамга етишиш ишида сафарга чиққан шахзода Халаб шахрида тушида кўрган махвашни учратиб, хушидан айрилади ва тақдир тақозоси билан биргина палосга ўраниб, огир ахволда қолганида унга саховати билан ном қозонган Ахий ёрдам кўрсатади. У билан суҳбатда бўлган Ахий Фаррухнинг заковатига қойил қолади ва шахзоданинг дардига даво топишни чин дилдан хоҳлайди. Нихоят Фаррухнинг иши тушган гўзал ўз аёли эканини билиб олади ва жуфти ҳалолани талок қилиб, Фаррухга никоҳлаб беради. Фаррух ўз юртига қайтади ва отаси вафот этгани учун тахтга ўтиради. Бу орада Ахийнинг ишлари орқага кетади, тухматга учрайди, ўз юридан қочиб, жон саклаб қолади. Фаррух уйлангач, Ахийнинг мардлигидан хайратга тушади, аёлни ўзига сингил қаби тутди ва дўстини излайди. Ахий эса Хинд мулкига бориб қолади, шу ерда икки дўст топишади, Фаррух синглим дея Ахийнинг ўз аёлини катта тўй билан никоҳлаб беради. Шу тариқа улар чин дўст сифатида, бир-биридан ёрдам ва меҳрини аямай узок умр кечирадилар. Мазкур хикоят якунида сайёҳ шох Баҳромга ўзининг Ахий авлодидан эканини маълум қилади. Шох уни сийлаб, саройда олиб қолади.

Якшанба куни унинг хомийси Қуёш сайёрасининг рангига мос сарик қасрда шох Баҳром румлик сайёҳнинг Зайд Заххоб хақидаги хикоятини тинглайди. Унга кўра, жуда ўткир билим эгаси бўлган Зайд Заххоб исмли заргар Рум мамлақати подшосининг энг яқин дўсти эди. У шохнинг ишончини қозонган бўлиб, ҳукмдор у билан ҳар бир ишда маслаҳатлашар эди. Бир куни Зайд Заххоб шохга олтин тахт ясаб беришни тақлиф қилади. Шох кўнади ва ҳазинадан икки минг ботмон олтинни заргарга олиб беради. Зайд Заххоб сирти олтин билан қопланган

, лекин

ич

к

и

томони

қумуш

билан тўлдирилган

тахт яса

й

ди. Қолган олтинларни эса ўзлаштириб юборади. Шох бундан беҳабар бу ҳашаматли тахтга чиқиб, қойил қолади. Зайд Заххобнинг душманлари шохга унинг фирибини маълум қиладилар. Шох Зайд Заххобни зиндонга ташлайди. Зайд зиндондан қочиб, Қустантаняга бориб, бутхонада роҳиблик қила бошлайди. У ерда ҳаммани ўзига муҳлис қилиб, бутхонанинг олтиндан ясалган барча буюмларини шиша ва бошқа металллар билан алмаштириб қўяди. Кейин ўз муҳл

и

сларига

бу юртни тарқ э

тишини айт

ганда

, ҳамма уни йиглаб қузатади, Зайд кета туриб, уларга бир хат қолдирга

нлиги хакида маълум килади.

«Рохиб» кетгач, мухлислари унинг хатини топиб, кўзга суриб ўкисалар, унда Зайднинг хамма кирдикорлари битилган бўлади. Бутпарастлар ох-воҳ килиб колаверадилар. Зайд эса Румга кайтиб, бемор бўлиб колган шохни даволайди, кайта унинг ишончига кириб, душманларини жазолайди. Хикоя яқунлангач,

сайёҳ ўзини

нг

Рум

мамлакати

дан, Зайд Захобнинг авлодларидан бир

и

экан

лиг

ини айтади. Шох Баҳром

б

у

сайёҳ

га хам муруват кўрсатиб, саройда олиб қолади.

Душанба куни шу кун хомийси Ой сайёрасининг рангига мос яшил касрда шох Баҳром мисрлик сайёҳдан Саъд хакидаги хикоятни тинглайди. Унга кўра, мисрлик бой хожанинг камолга етган ўгли Саъд отаси каби мусофирларни меҳмон қилишни хуш кўрар эди. Бир куни унинг даргоҳига шахрисабзлик икки сайёҳ келиб, ўз юртларидаги гаройиб хусусиятли дайр – бутхона хакида айтиб берадилар. Мазкур бутхонанинг ўзига хос томони шу эдики, кимки у ерда бир кун тунаса, туш кўради ва туши, албатта, ўнг келади. Саъд шу бутхонага бориш ишқига тушади ва отасининг розилигини олиб, сафарга отланади. Унга шахрисабзлик икки мусофир хамрохлик қиладилар. Дайрга етиб борган Саъд туш кўради. Туш таъсирида хаёлга ботиб ўтирса, эшикдан бир мўйсафид кириб келади. Мўйсафид унга ўз тақдирини айтиб беради ва Саъдни анча вақтдан буён кутаётганлигини маълум қилади. Саъд бу донишманд мўйсафиднинг маслаҳат ва кўрсатмалари билан ҳаракат қилади. Узок саргузаштларни, синовларни бошдан кечириб, Гулрух исмли гўзалнинг васлига етишади. Сайёҳ хикоятни яқунлагач, ўзининг Шахрисабздан, Саъд авлодларидан бири эканлигини маълум қилади. Шох Баҳром сайёҳни Шахрисабзга волий этиб тайинлайди. Умуман олганда, хикоятнинг бош қаҳрамони Саъднинг саргузаштлари Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достонидаги Фарход билан боғлиқ воқеаларни ёдга қолади.

Хомийси Миррих (Марс) бўлган сешанба кунида Миррих рангига мос кизил касрда шох Баҳром навбатдаги сайёҳдан шох Жуна ва унинг дўсти Масъуд хакидаги қиссани тинглайди. Ровий шохга Дехлида султонлик қилган Жунанинг саховати чексиз эканлигини хикоя қилиш билан ўз қиссасини бошлайди. Султон Жуна шу қадар саховатли

бўлиб, унинг сахийлиги чегара билмасди. Бир куни бир мусофир унинг меҳмони бўлиб, бир кўзгу совга килади. Кўзгу рост гапирган одамнинг юзини ок, ёлгончининг юзини кора кўрсатар эди. Шох Жуна мусофирни сийлаб, ундан мендан ҳам ўтадиган сахий борми, дея сўрайди. Йўк, деб жавоб берган сайёхнинг юзи кўзгуда кора бўлиб, кўринади. Нихоят уялиб, сиздан ҳам сахийрок одам бор, бу гўзал Тароз ўлкасида яшовчи Масъуддир, дейди. Шох эса ҳаммага рухсат бериб, пайт топиб, Тарозга жўнайди. У ерда Масъуд билан учрашиб, дўст тутинади. Масъуднинг фасохатидан хайратда қолади. Масъуд унга ўзи учун энг азиз бўлган нимаики бўлса, ҳаммасини иккиланмай хадя қилиб юборади: севимли, куй ва кўшиқда мохир канизагини, майи тугамайдиган жомини, Гулгун лакабли отини. Бундан таъсирланган шох Масъудни Тарозга хоким қилиб тайинлаш тўғрисида фармон беради. Тароз хокими Жайпур эса бундан безовта бўлиб, Баллу деган каттол вазири билан маслахатлашиб, Масъудни йўк қилиш режасини тузади. Унга кўра, Жайпур Масъуд билан дўст тутинади, бир куни маст Масъудни маст қилиб, бир чоҳга ташлатади. Сўнг кайгурган бўлиб, йиглайди, бошқаларни ҳам ишонтиради ва Масъуд учун мотам ҳам очтиради. Баллу эса Масъудни азоблай бошлайди. Жайпурнинг бир гўзал кизи бўлиб, Масъудга ошиқ эди. У Масъуд хақида билиб қолади ва икки содиқ канизи ёрдамида уни кутқариб, даволайди ва отасининг саройидан Масъуд билан қочиб кетади. Жайпур уларга етолмай доғда қолади. Икки севишган йўлда кўп қийинчилик билан Дехлига бориб қолдилар. Масъуд ўзи меҳмон қилган Жунанинг шох эканини билмасди, шунинг учун пул топиш илинжида шох саройига борганда сеҳрли жомини, куй чалиб, кўшиқ айтаётган канизини, Гулгун отини кўриб, аввал хайрон бўлади, кейин шохни ҳам Жуна эканини билиб қолади. Масъуд таниган бошқа маҳрамлар бу ҳақда Жунага айтадилар. Дўстини йўқотиб, хажр азобидан қолган шох бундан бағоят шодланиб, дўстига меҳрибонлик кўрсатади, унинг ёрини ҳам олиб келтиради, Жайпур ва Баллуни эса жазолайди.

Хикоясини шу тарика яқунлаган сайёх шох Баҳромга ўзини Тароздан, Масъуд авлодларидан бири эканлигини айтади. Баҳром уни Тарозга хоким қилиб тайинлайди.

Чоршанба куни учун унинг хомийси Уторуд (Меркурий) рангига мос мовий қасрда Баҳром навбатдаги жаҳонгаштадан Меҳр ва Сухайл хақидаги хикояни тинглайди. Унга кўра Адан деган жойда бир оролни ўз маконига айлантириб, денгизда қароқчилик қилишни қасб қилган Жобир деган йўлтўсар Беҳишти саро шаҳрининг гўзал маликаси сайр қилиб чиққан қайикни қўлга қиритади. Лекин Меҳр шу қадар гўзал эдики, Жобир уни кўриб, хушини йўқотарди. Шунинг учун қизга яқинлаша олмай, ўзининг баланд деворлар билан ўралган боғида яшашига рухсат беради. Меҳрнинг отаси Навдар шох Яман мамлакати шохи Нўъмоннинг ўғли Сухайлга кизини бермокчи эди шунинг учун шох Нўъмон ўғлини кемага чиқариб, Навдарнинг мамлакатига юборади. Сухайл денгизда Жобирга йўликади ва жангда енгилиб қолади. Сухайлнинг жанг қилишига, жасоратига қойил қолган Жобир уни ўлдирмасдан ўз боғидаги бир чоҳга ташлатади. Шох Навдар ва Нўъмон ўзаро хат ёзишиб, биргаликда Жобирга хужум қилишга қелишадилар. Навдар шох қуруқликдан, Нўъмон шох денгиздан Жобир устига қўшин тортишга қелишадилар. Қуруқликдан

келаётган Навдар аскарларидан ажраб, овга берилиб, Жобир кўлига асир тушади. Денгизда эса Нўъмон шох ҳам енгилиб, денгиз карокчисига туткун бўлади.

Меҳр висолига етишолмаган Жобир эса ичкиликка зўр беради. Меҳр богда айланиб юриб, чоҳда ётган Сухайлни билиб қолиб, куткаради, сўнг Сухайл Жобир билан жанг қилиб, уни енгади ва туткунликдаги ҳамма озодликка эришиб, муроду мақсадга эришадилар.

Мазкур хикоя поён топгач, шох Баҳром ровийни муносиб тақдирлаб, уйкуга кетади.

Пайшанба куни шу кун хомийси Муштарий (Юпитер) рангига мос сандал касрда шох Баҳром Мукбил ва Мудбир хақидаги қиссани тинглайди. Унга кўра Мукбил ва Мудбир Боҳтар деган жойдан Ховарга йўл оладилар. Мукбил ибодатли, ростгўй бўлиб, Мудбир қаззоб ва пасткаш эди. Улар қайноқ водийи хамимдан бирга ўтадилар. Мудбирнинг ахлоқона гапларидан Мукбил кўп озор чекиб, ундан воз кечмокчи бўлса, Мудбир ялиниб, тавба қилади. Улар шу тариқа сафарда давом этадилар. Денгиз соҳилига бориб, бир кемага чиқадилар. Мукбил одатдагидек ибодат қилиб, тасбих ўгириб ўтирса, Мудбир Худога ширк келтириб, валдирай бошлайди. Шунда тўфон келиб, уларнинг кемасини гар қилади. Бу иккиси тақдир тақозоси билан қутулиб, киргокка чиқиб, ўрмонга дуч келадилар. Шу ердаги бир дарахт ковагида булок бўлиб, у ерда бунинг сувини ичган одам мутлако очикмалиги, сувсамаслиги ва ёлгон гапирса ёрилиб ўлиши ёзилган бўлади. Мукбил ва Мудбир бу сувдан тўйиб ичиб олганлари учун ёзувни ўқисалар, булок сувида боши билан шўнгиб чўмилган одам гаройиб воқеаларни кўриши айтилган экан. Фақат ростгўй одам чўмилс мумкин, ёлгончи эса қуяр экан. Натижада, сувга Мудбир тушолмайди, Мукбил булокка шўнгиб, бир касрга дуч келади, у ерда бир махвашга ошиқ бўлиб қолади... Ўзига келиб, сувдан чикканида эса ошиқ бўлган гўзал ишқида ўзини йўқотиб беҳуд бўлади. Мукбил ва мудбир киргокка келсалар, юр кемага дуч келадилар. Бу кема сандал дарахти ёғочи билан тўла бўлиб, одамлари ўлиб ётардилар. Гап шундаки, Ховар мамлакати шохи кизи касалга чалинган бўлиб, табиблар унга сандал дарахтидан ясалган касрда яшаш даво дегани учун кўплаб савдогарлар шу дарахт ёғочларини олиб келаётганларида денгизда пўртанага тушиб, чиқолмай, очдан ўлган эдилар. Улар киргокка борганларида Ховар шохига дуч келадилар. Мудбир ўзини савдогар, кема эгаси, Мукбилни қулим, деб таништиради ва шу захоти ёрилиб ўлади. Мукбил эса бор гапни яширмай айтиб беради. Шох уни ўзига қуёв қилишни хохлаб, тўй беради. Маликанинг касрига борган Мукбил худди булокда кўрган ҳолатига дуч келади: сандал каср, гўзал кизлар ва... ўша у севиб қолган махваш. Кейин маълум бўладики, бу гўзал Ховар шохининг кизи бўлиб, унга жинлар шохи ошиқ бўлган экан. Лекин кизга етишолмаган жинлар шохи ўша оролдаги дарахтдаги ковакдаги булокда кизнинг сувратини, унинг касрининг нусхасини пайдо қилиб, ўзини овутиб ўтираркан. Мукбил шунга дуч келган экан. Шу тариқа Ховар шохининг гўзал кизи ва ростгўй Мукбил васлга

эришадилар.

Хикоя яқунлангач, хушнуд бўлган шох Бахром уйкуга кетади.

Жума учун унинг хомийси Зухра (Венера) рангига мос ок каср барпо килинган эди. Нихоят, муборак жума (одина) куни Бахром оппок – кофурий кийимда ок каср ичида фил суягидан ясалган тахт устида ўтириб, ок кийимли гўзал билан билур жомда ок май ичади ва Чин гўзали қошида хоразмлик мусофирнинг хикоясини тинглайди. Мусофир ўзининг Хоразмдан эканлигини, соз чалишини, иклимдаги барча устозлар унинг шогирдлари эканлигини, кутилмаганда бир чинлик савдогарнинг гўзал канизаги Хоразмга келгач, унинг иши касодга учраганини, канизак хузурига бориб арз килганини, унинг созини тинглаб, унинг тарихи билан кизикканини ва канизак унга бошидан ўтганларни сўзлаб берганини айтади. Шох Бахром айтилганлардан бу канизак Дилором эканлигини билиб, Дилоромни олиб келиш учун Хоразмга сипохларини жўнатади.

Кўринганидек, Бахром биринчи хикояни ўз рухий холати каби қора касрда, қора либосда тинглаган эди, чунки у ўз Дилоромидан айрилган, хижрон зулматига гирифтор бўлган эди. Еттинчи хикояни эса ок касрда ок либосда тинглайди ва бу хикоят унга висол умидидан дарак беради, унинг калбига ёруглик олиб киради. Лекин Бахром Дилоромни топгач, яна овга, айш-ишратга берилади. Бир куни у сарой ахли, сонсиз кўшин ва Дилором билан катта овга чикканида, ёмгир ёғади ва эски боткокнинг огзи очилиб Бахромни Дилором ва бутун арқони давлати билан бирга ер ютади.

Бахром бўлиб ўтган воқеалардан ва тинглаган хикоятларидан хулоса чиқармайди: ошиқлик ва шохликни бир қиёфада олиб бормокчи бўлади, аслида эса чин ошиқлик тожу тахт ва бойлик билан мувофик келмайди:

Ишк ила шохлиг мувофик эмас,

Ишк лофида шох содик эмас.

Шу билан бирга шох Бахромнинг халокатини тасаввуф таълимотига кўра яна шундай изохлаш мумкин: Бутун жонзотлар, табиат, хайвонот ва наботот олами Аллохнинг зухуридир. Уларнинг барчасини Аллох яратган экан, уларга зарар етказиш Яратган иродасига карши бориш билан тенгдир. Шу маънода шох Бахромнинг табиатга етказган жабр-зулми унинг халокатига олиб келди.

Шоир Бахром тимсоли муносабати билан ўз давридаги баъзи долзарб масалаларга ҳам ишора килиб ўтган. Хусусан, хакикий хукмдор хар кандай иллатлардан холи бўлиши зарурлиги, халк ахволдан гофиллик ва айш-ишратга берилиш охир-окибат шохни ва мамлакатни таназзулга олиб бориши мумкинлиги шоир айтмокчи бўлган мухим гоюлардан биридир.

Шу маънода Навоий достоннинг ўттизинчи бобида туш кўрганлигини айтади. Тушида шоирни шох Бахром йўқлаб, уни назм мулкида сохибкирон деб атаб, ёзган достонига юкори бахо беради ва фарзанди каторида саналмиш Султон Хусайн Бойкарони огохлантиришини илтимос килади ва унга куйидаги сўзларни етказишни айтади:

Ки жахон кимсага вафо килмас,

Шохлиг таркига киро килмас.

Шахки, минг йил онинг хаётидур,

Гараз – ўлганда яхши отидур.

“Сабъаи сайёр”да Навоий дахосининг кудрати шоирнинг ўз тилидан айтилган ўринларда ҳам намоён бўлади. Жумладан, достон якунига яқинлашганда шоир асарнинг ёзилиш муддатига тўхталиб дейди:

Бўлди чун бу ракам иши тайёр,

Кўйдум отини “Сабъаи сайёр”.

Тортконда бу турфа савти маддин,

Байти беш мингга тортти аддин.

Манга айёми гарчи ёд эрмас,

Лек тўрт ойдин зиёд эрмас.

Бўлсам ўзга умурдин эмин,

Бор эди тўрт хафта ҳам мумкин...

Гарчи тарихи эрди секкиз юз,

Сексон ўтмиш эди яна тўккуз.

Ойи унинг жумодиуссоний,

Панжшанба ёзилди унвони.

Достон хафиф бахрининг хафифи мусаддаси солими махбуни махзуф (рукнлари ва тактиъи: фоилотун мафоилун фаилун) вазнида ёзилган. Аслида мазкур вазн 8 та ритмик вариацияга эга бўлиб, бу ритмик вариациялар достон мисраларида ўзаро алмашилиб қўлланаверади ва достон матни билан муносабатга киришади. Ритмик вариациялар таркибидаги ўзгаришлар, асосан, биринчи ва учинчи рукндаги бўгинлар сифатини ўзгартириш ҳисобига рўй бериб, иккинчи рукн ўзгаришсиз қолаверади. Бунда биринчи рукн фоилотун ёки фаилотун, учинчи рукн эса фаилун, фаилон, фаълун, фаълон тарзида ўзаро алмашилиб ҳам қўлланавериши мумкин. Мазкур ритмик вариацияларнинг достон таркибида ўзаро алмашилиб қўлланилиши тасодифий бўлмай, достондаги воқеалар, қахрамонларнинг рухий ҳолати, бир хикоятдан бошқасига ўтиш пайтлари, сюжет чизикларининг ўзгаришига қўп жихатдан боғлиқ. Масалан, Шанба куни Бахромнинг қора либосда хижрон ўтидан қора бўлган кунда 1-мусофирнинг хикоятини тинглаш арафасидаги ҳолати акс этган қуйидаги парчага диққат қаратсак:

Субҳи шанбаки, шомидайжурий, (3)

Юзига хулла ёпти кофурий. (3)

Касри мушкинга кўйди юз Бахром, (4)

Ичгали мушкбў газол ила жом. (2)

Луъбати хиндзоду чинийваш, (3)

Лаъли жонбахшу сунбули дилкаш. (3)

Хулласин ойдек айлабон шабгун, (3)

Дурлар ул хулла узра кавкабгун. (3)

Тахту рахтини айлабон мушкин, (3)

Мушк уза ер тутуб газолаи Чин. (1)

Шах даги хулла мушкфом айлаб, (3)

Кирди махваш сари хиром айлаб. (3)

Агар эътибор каратилса, келтирилган 5 байт (10 мисра)дан 8 мисра юкоридаги жадвалда акс этган 3 ва 4-ритмик вариацияларда яратилганлигини кўриш мумкин. Ушбу вариацияларнинг тактиъида чўзик бўгинларнинг етакчилик килишини (киска бўгинлар сони 3 та) кўрамиз. Аслида бошка бахрларга нисбатан енгил охангга эга бўлган хафиф бахрининг ушбу ритмик вариациялари чўзик бўгинлар сонининг етакчилик килиши хисобига вазминрок оханг касб этипти ва бу жихат Бахромнинг “хижрон ўтининг дуди каро килгон кун”даги холатига мос келяпти.

Энди Бахромнинг хикоятлар охирида – Дилоромнинг хабарини эшитган пайтдаги холати ифодаланган парчани кўриб чиксак:

Чунки ул кеча шохи шохнишон, (2)

Гойибидин бу навъ топти нишон. (2)

То сахар бекарору бедил эди, (1)

Ўйлаким сайди нимбисмил эди. (1)

Шавк ўтига куюб нечукки хасе, (1)

Бетахаммулук айлар эрди басе. (1)

Топса эрди бузук мизожи қарор, (2)

Буюрур эрди киссага тақрор. (8)

Иши чун қилганини билмак анга, (1)

Гох ўлмак, гахи тирилмак анга, (1)

Мазкур парчада жадвалдаги 1 ва 2 - ритмик вариацияларнинг етакчилик килишини кузатишимиз мумкин. Энди биринчи парчадагидан фаркли равишда тактигда киска бўгинлар сони ортяпти, бу ўзгариш эса охангга ўйнокилик хамда энгиллик бахш этипти ва бу хол “ўлук танига рух киргон” Бахромнинг рухий холати билан мутаносиблик касб этипти.

Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1992. 10-жилд.
2. Navoiy Alisher. Sab'ai sayyor. – Т.: G'.G'ulom nomidagi NMIU, 2006.
3. Навоий Алишер. Сабъаи сайёр (насрий баёни билан). Тахрир хайъати: А.Каюмов ва бошк. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
4. Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул ахамияти (халқаро илмий назарий анжуман материаллари). – Т.: O'zbekiston, 2011.
5. Хасанов С. Роман о Бахраме. – Т.: Издательство литературы и искусства, 1988.

6. Хасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.

7. Рустамов А. Навоийнинг бадиий махорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.

8. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Т.: МУМТОЗ СЎЗ, 2011.

Дилнавоз Юсупова